

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲИСОБ СИЁСАТИ АУДИТИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Зуфарова З.Р.

ТДИУ мустақил изланувчиси, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий ҳисобот ишончлилигини таъминлашда ҳисоб сиёсати аудитининг аҳамияти ва зарурлиги ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳисоб сиёсати аудитини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисобот, бошқарув ҳисоби, солиқ ҳисоби, муҳимлик даражаси, аудиторлик risks.

Аннотация. В данной статье рассматривается важность и необходимость аудита учетной политики для обеспечения достоверности финансовой отчетности. В результате проведенного исследования были разработаны рекомендации по совершенствованию аудита учетной политики.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, учетная политика, финансовая отчетность, управленческий учет, налоговый учет, существенность, аудиторский риск.

Abstract. This article discusses the importance and necessity of auditing accounting policies to ensure the reliability of financial statements. As a result of the study, recommendations were developed to improve the audit of accounting policies.

Keywords: accounting, accounting policy, financial reporting, management accounting, tax accounting, materiality, audit risk.

Кириш. Аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш халқаро амалиётда умумқабул қилинган кўрсаткичлар тизимида, шу жумладан инвестиция объектларининг бозор капиталлашувини тавсифловчи соф активлар кўрсаткичларига ўтишни назарда тутди. Мазкур ҳолат ҳисоб сиёсати аудитини ўтказиш тартибига сезиларли даражада таъсир қилади. Ҳозирги вақтда аудитнинг халқаро стандартлари аудиторлик risks тушунчасини, далилларнинг етарлилиги ва аудит сифати билан боғлиқлигини қайта кўриб чиқиш муносабати билан жиддий ўзгаришларга дуч келмоқда.

Бундай тенденциялар бутун дунёда сифатсиз аудиторлик текширувлари натижасида йирик корпорацияларнинг банкротлиги билан боғлиқ суд жараёнлари сонининг кўпайиши билан боғлиқ. Аксарият хорижий мутахассислар аудиторларга нисбатан суд даъволари кўрилиши сабабини етарлича аудиторлик далиллари мавжуд эмаслиги билан боғлайди. Молиявий можаролар шуни кўрсатадики, аудиторлар миждан олинган ҳужжатларга тўлиқ таянмасликлари лозим. Чунки улардаги маълумотлар бузиб кўрсатилиши ва аудиторларни чалғитиши мумкин. Шу муносабат билан аудиторлик risksини далилларнинг етарлилиги билан боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда назарий асослаш ва такомиллаштириш талаб этилади. Ҳисоб

сиёсати аудити сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида аудиторлик рискни ва далилларни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш учун зарур.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ҳисоб сиёсати аудитининг мақсади ва унинг ўтказилиши борасида иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб фикрлар келтириб ўтилган. Хусусан, И.Д.Демина ва Т.И.Кришталева таъкидлашича, ҳисоб сиёсатини ўрганиш ва баҳолашнинг мақсади унинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилиги меъёрларига мослиги бўйича фикр шакллантиришдан иборат [1].

Н.С.Сахчинская “Аудитор ҳисоб сиёсатида меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан фарқ қилувчи бухгалтерия ҳисоби усуллариининг мавжудлигига ва уларнинг молиявий ҳисоботга тушунтириш ёзувларида ошкор этилишига алоҳида эътибор бериши керак” [2], деган хулосага келган.

АҚШ иқтисодчи олимлари А.Пинелло, Л.Пушавер ва А.Волканларнинг фикрича, “бухгалтерия тахминлари ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим бўлган муҳим қисми бўлиб, аудиторлик текширувларида ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади” [3].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар “ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобида муҳим ҳужжат бўлиб, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёни тўлиқ очиқ берилишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Шу боисдан молиявий ҳисобот аудитида ҳисоб сиёсатини синчковлик билан текшириш шарт”, деган тўхтамга келишган [4].

КПМЖ аудиторлик ташкилоти ҳисоботида кўра, “аудиторлик текширувларида ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби баҳоларини фарқлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, одатда, ретроспектив тарзда қўлланилади, бухгалтерия ҳисобидаги ўзгаришлар эса истиқболли равишда қўлланилади” [5].

Таҳлил ва натижалар. Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсати аудитининг мақсади ҳисоб сиёсатининг амалдаги қонунчилик талабларига ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқлигини аниқлаш ҳисобланади. Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобот аудитининг барча босқичларида - режалаштиришдан тортиб, аудиторлик хулосасини шакллантиргунга қадар аудиторлик текширувининг объекти ҳисобланади.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун аудитор қуйидаги вазифаларни бажариши шарт: бухгалтерия ҳисоби шакллари ва бухгалтерия ҳисоби ташкилий тузилмасини хўжалик юритувчи субъектда ташкил этиш ва бошқариш шартлари билан таққослаш; хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати қоидаларини таҳлил қилиш.

Шунингдек, ҳисоб сиёсати аудити давомида аниқланиши керак бўлган асосий масалалар қаторига қуйидагилар киради:

хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатининг мавжудлиги;

бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатини ўз вақтида тасдиқлаш;

текширилаётган субъектда ҳисоб сиёсатининг амалда буйруқ билан тасдиқланганлиги;

бухгалтерия ҳисоби учун ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг асослилиги;

қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда ҳисоб сиёсатининг мослашувчанлиги.

Фикримизча, ҳисоб сиёсати аудити қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир: дастлабки, асосий ва якуний.

Дастлабки босқичда ҳўжалик юритувчи субъектнинг қуйидаги ҳужжатлари ўрганилади: устав; таъсис шартномаси; дивиденд сиёсати тўғрисида низом; ахборот сиёсати тўғрисида низом; ички аудит тўғрисида низом; ҳисоб сиёсати ҳақида буйруқ; ишчи счётлар режаси; бизнес-режа; бошқа муҳим ҳужжатлар.

Шундан кейин, аудитор аудиторлик текшируви ўтказилаётган субъект фаолияти билан танишиш, муҳимлик даражасини ҳисоблаш, аудит рискин баҳолаш, ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш ва аудит режаси ҳамда дастурини тузиш орқали аудитни режалаштиради.

Асосий босқичда молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари кўрсаткичларининг бир-бирига ўзаро мувофиқлиги текширилади, шунингдек бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг тўғрилиги баҳоланади ва аудит дастурида назарда тутилган бошқа аудит амаллари бажарилади. Ҳар бир аудит амали учун аудитор “Аудитни ҳужжатлаштириш” номли 230-сон АХСга биноан ишчи ҳужжатни тузади.

Аудитор томонидан текширув давомида қўлланиладиган аудит амаллари моҳиятига кўра аудит амаллари ва ички назорат воситаларини текширишни ўз ичига олади. Аудитор ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқни текширади ҳамда тақдим этилган бухгалтерия ҳужжатларининг бутун тўпламини кўриб чиқади. Аудит амалларини ўтказиш натижасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ҳисоб сиёсатини шакллантиришда турли хил қоидабузарликлар аниқланса, кейинги босқичда умумлаштирилади.

Якуний босқичда аудитор ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятига якуний ҳужжатни, шунингдек аудиторлик текшируви натижалари бўйича ёзма маълумотларни тайёрлайди ва улар асосида молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида ўз фикрини шакллантиради. Ўтказилган текширув натижалари бўйича аудиторлик хулосаси тузилади.

Ички аудитор текширув ўтказиш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъект қабул қилган бухгалтерия ҳисоби тизими қуйидагиларни таъминлаши шартлигини ўрганиш керак: умумий бошқарув тамойилларидан фойдаланиш; молиявий-ҳўжалик операцияларини жорий кузатиш, ўлчаш ва қайд қилиш; бирламчи ҳисоб ҳужжатларида мавжуд маълумотларни тизимлаштириш; молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тузиш; активлар ва мажбуриятлар инвентаризациясини ўтказиш тартиби ва муддатларига риоя қилиш; ҳисобни

автоматлаштириш.

Хулоса.

1. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи фойдаланувчилар учун тақдим этиладиган молиявий ҳисобот ахборотларининг сифати мазкур субъектлар томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатига бевосита боғлиқдир. Ҳисоб сиёсати активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар, даромад ва харажатларнинг молиявий ҳисоботда тўғри ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида шаклланишини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади.

2. Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор бухгалтерия ҳисоби тизими текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий моҳиятини ишончли акс эттиришига ишонч ҳосил қилиши керак. Амалдаги ички назорат тизимининг кўлами ва хусусиятлари ҳамда унинг амал қилиш даражаси хўжалик юритувчи субъект ҳажми ва унинг фаолияти хусусиятларига мос келиши керак.

3. Фикримизча, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини таҳлил қилиш ва баҳолаш тартибини мустақил равишда ишлаб чиқиши, шунингдек, баҳолаш натижаларига қараб аудит амалларини режалаштириши шарт. Ҳисоб сиёсатининг шаклланиши ва унинг бухгалтерия бўлими томонидан бажарилиши аудит ўтказиш учун муҳим йўналиш бўлиб, молиявий ҳисоботларнинг ишончилигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Демина И.Д., Кришталева Т.И. Изучение учетной политики в ходе аудита финансовой (бухгалтерской) отчетности. // Все для бухгалтера. № 6 (222), 2008. Стр. 69-74.

2. Сахчинская Н.С. Аудит аспектов учётной политики. // Вектор науки ТГУ. Серия «Экономика и управление» № 1 (8), 2012.

3. Arianna Pinello, Lee Puschaver, Ara Volkan. The relationship between critical accounting estimates and critical audit matters. // Accounting & Taxation Vol. 12, No. 1, 2020, pp. 23-33

4. Michael King, Hari Setiyawati, Ratna Mappanyuki. The effect of the implementation of government internal control towards auditor opinion using the application of government accounting standards as a moderation variable. //International Conference on Rural Development and Entrepreneurship 2019: Enhancing Small Business and Rural Development Toward Industrial Revolution 4.0 Vol. 5 No.1

5. Annual report KPMG: Accounting policy or estimate? www.kpmg.com